O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI ANDIJON VILOYATI PAXTAOBOD TUMANI HOKIMINING QARORI

Paxtaobod tuman, Amir Temur ko‘chasi 39-uy

2022 - yil 19 - yanvar 20-1-25-Q/22 Paxtaobod tumani hokimligi

Пахтаобод туманидаги умумфойдаланувдаги автомобиль йўлларига йўл белгилари ўрнатилишига рухсат бериш тўғрисида.

Ўзбекистон Республикасининг 2013 йил 10 апрелдаги “Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги ЎРҚ-348-сонли *(Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 15-сон, 197-модда; 2015 й., 52-сон, 645-модда)* Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 24 декабрдаги “Йўл ҳаракати қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 370-сонли *(Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й., 3-сон, 23-модда; 2017 й., 36-сон, 958-модда)* қарори ижросини таъминлаш, Пахтаобод тумани марказини кесиб ўтувчи автомобиль йўлларида транспорт воситаларининг тирбандликлар юзага келишини олдини олиш, пиёдалар ва транспорт воситаларининг ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш мақсадида, Пахтаобод туман йўллардан фойдаланиш унитар корхонасининг 2021 йил 3 декабр кунги 471-сонли хатларини кўриб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонуннинг 6-, 25-моддаларига асосан

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н:

1. Пахтаобод туман йўллардан фойдаланиш унитар корхонасининг 2021 йил 3 декабр кунги 471-сонли хати маълумот учун қабул қилинсин.

2. Мазкур қарор қабул қилинишини муносабати билан:

- Пахтаобод туман умумфойдаланувдаги 4р-132 “Пойтуғ - Қизилкўприк - Пахтаобод - Бозорқўрғон” автомобил йўлининг 22.3 км оралиғида чап томонига 3.27 “Тўхташ тақиқланади” йўл белгиси;

- 4р-132 “Пойтуғ – Қизилкўприк – Пахтаобод - Бозорқўрғон” автомобил йўлининг 22.5 км оралиғида ўнг томонига 3.27 “Тўхташ тақиқланади” йўл белгиси;

- 4р-132 “Пойтуғ – Қизилкўприк – Пахтаобод - Бозорқўрғон” автомобил йўлининг 19.3 км оралиғида чап томонига 3.28 “Тўхтаб туриш тақиқланади” йўл белгиси;

- 4р-132 “Пойтуғ – Қизилкўприк – Пахтаобод - Бозоркўрғон” автомобил йўлининг 22.7 км оралиғида чап томонига 3.27 “Тўхташ тақиқланади” йўл белгиси;

- 4р-132 “Пойтуғ – Қизилкўприк – Пахтаобод - Бозоркўрғон” автомобил йўлининг 24.8 км оралиғида чап томонига 3.27 “Тўхташ тақиқланади” йўл белгиси;

- 4р-135 “Пахтаобод шаҳрига кириш” автомобил йўлининг 7.0 км оралиғида чап томонига 3.27 “Тўхташ тақиқланади” йўл белгиси;

- 4р-132 “Пойтуғ – Қизилкўприк – Пахтаобод - Бозоркўрғон” автомобил йўлининг 23.5 км оралиғида чап томонига 3.27 “Тўхташ тақиқланади” йўл белгилари ўрнатишга рухсат берилсин.

3. Туман йўллардан фойдаланиш унитар корхонаси (Ё.Абдурахмонов)га мазкур йўл белгиларини ўрнатиш вазифаси юклатилсин.

4. Туман ички ишлар бўлими (А.Исламовга)га ушбу ҳудудда ҳаракатланувчи транспорт воситаларини мазкур йўл белгиларига қатъий риоя қилинишига ҳамда ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш вазифаси юклатилсин.

5. Мазкур қарор оммавий ахборот воситалари орқали эълон қилинган кундан бошлаб қонуний кучга киради.

6. Пахтаобод туман ҳокимлиги матбуот хизмати рахбари С.Муталибовга ушбу қарорни “Давр садоси” газетаси ва туман ҳокимлиги рпасмий веб сайитига жойлаштирилиш вазифаси топширилсин.

7. Ушбу қарорни ижросини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари З.Фозилов зиммасига юклатилсин.

Туман ҳокими **М.Бозоров**